

УЎК (УДК, UDC): 801.81  
DOI:10.36078/1581929863

## ҚАДИМГИ ТУРКИЙ МАҚОЛЛАРДА ТАЗОД ВА АЛЛИТЕРАЦИЯНИНГ ЎРНИ



**Иқболжон Мирзакаримович МИРЗААЛИЕВ**

Мустақил тадқиқотчи

Тошкент давлат шарқшунослик институти

[iqbolmirzo@mail.ru](mailto:iqbolmirzo@mail.ru)

### Аннотация

Халқ оғзаки ижоди намуналарини тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш тилимиз тарихи учун аҳамиятлидир. Бунда фольклор намуналарининг вақт ўтиши билан бирга қандай шаклда ўзгарганини, уларда тил ҳодисаларининг қўлланиши билан боғлиқ кўплаб масалаларга ойдинлик киритиш мумкин. Ўзбек халқ мақолларининг илк ёзма шакли XI асрнинг қомусий олими Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асарида келтирилган. Муаллиф ўз асарига ўз даврида маълум бўлган 300 га яқин мақолларни киритган. Улар 15 дан ортиқ тематик гуруҳга мансуб бўлиб, ҳаётнинг турли давларида қўлланилади. Ҳозирги кунга қадар ўзбек халқ мақоллари тилшунослик жиҳатидан ўрганилган. Ушбу мавзуда диссертациялар ҳам ёқланган. Ушбу тадқиқотларда ҳозирги ўзбек халқ мақоллари таҳлилга тортилган. Аммо қадимги туркий мақоллар тадқиқот доирасига кам тортилган. Мазкур мақолада Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асарида келтирилган мақолларда қўлланган тазод ҳамда аллитерация тўғрисида гап боради.

Маълумки, мақолларда бирор мазмунни ифодалаш учун турли усуллардан фойдаланилади. Шулардан бири икки ҳодисани бир-бирига чоғиштириш ҳисобланади. Айни солиштиришда мақолдан айтилаётган мақсад тушунилади. Бу усул қадимги туркий мақолларнинг аксарида қўлланган. Бунга қўшимча равишда, қадимги туркий мақолларда товушларнинг уйғунлиги ҳам катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки мақолларни ўқувчининг онгида яхши сақланиб қолишида товушларнинг маълум тартибда келиши, мусиқийлик муҳимдир. Чунки мақол айтилаётганда ритм ва оҳанг бўлиши керак. У ҳам худди шеърга ўхшаб эса қолиши лозим. Мазкур тил ҳодисаларининг мақол услуби, мазмуни ва шаклига таъсири очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** мақол; зидлов; антоним; аллитерация; Маҳмуд Кошғарий; “Девону луғати-т-турк”.

## МЕСТО АНТОНИМОВ И АЛЛИТЕРАЦИИ В ДРЕВНЕТЮРКСКИХ ПОСЛОВИЦАХ

**Икболджон Мирзакаримович МИРЗААЛИЕВ**

Независимый исследователь

Ташкентский государственный институт востоковедения

[iqbolmirzo@mail.ru](mailto:iqbolmirzo@mail.ru)

### Аннотация

Изучение примеров фольклора с лингвистической точки зрения имеет важное значение для истории нашего языка. С этим можно прояснить многие вопросы, касающиеся с использованием языковых явлений в том, как фольклорные произведения менялись со временем. Первая письменная форма узбекских народных пословиц содержится в книге “Девону лугати-т-турк”, написанной ученым-энциклопедистом XI века Махмудом Кашгари. Автор включает в свою книгу около 300 известных ему пословиц той эпохи. Они принадлежат к более чем 15 тематическим группам и используются в разных моментах жизни человека. По сей день узбекские национальные пословицы изучались с лингвистической точки зрения. По этой теме также были защищены диссертации. Современный узбекский фольклор был проанализирован в этих исследованиях. Тем не менее, древнетюркские пословицы редко включаются в область изучения. В этой статье обсуждается противоположность и аллитерация, использованные в пословицах “Дивану лугати-т-турк” Махмуда Кашгари.

Хорошо известно, что в передаче пословиц используют различные способы выражения контента. Одним из них является сопоставление двух событий. Такое сравнение раскрывает смысл пословицы. Этот метод использовался во многих древнетюркских пословицах. Кроме того, гармония звуков в древнетюркских пословицах также важна. Важно держать пословицы в уме читателя, чтобы звуки приходили в определенном порядке и звучали. Так как в пословице должен быть ритм и тон. Она тоже должна остаться в голове так же, как и стихи. Раскрывается влияние этих языковых явлений на стиль, содержание и форму древнетюркских пословиц.

**Ключевые слова и выражения:** пословица; противоположность; антоним; аллитерация; Махмуд Кашгари; «Диван лугати-т-турк».

## THE PLACE OF ANTITHESIS AND ALLITERATION IN ANCIENT TURKIC PROVERBS

**Iqboljon Mirzakarimovich MIRZAALIYEV**

Independent researcher

Tashkent State Institute of Oriental Studies

[iqbolmirzo@mail.ru](mailto:iqbolmirzo@mail.ru)

### Annotation

The study of examples of folklore from a linguistic point of view is important for the history of our language. With this, many questions can be clarified regarding the use of linguistic phenomena in how folklore works have changed over time. The first written form of Uzbek folk proverbs is contained in the

book “Divan Lughati-t-Turk”, written by the 11th-century scholar and encyclopedist Mahmud Kashgari. The author includes in his book about 300 proverbs of that era known to him. They belong to more than 15 thematic groups and are used at different points in a person’s life. Up to now, Uzbek national proverbs have been studied linguistically. Theses were also defended on this topic. Modern Uzbek folklore has been analyzed in these studies. However, ancient Turkic proverbs are rarely included in the field of study. The article discusses the antithesis and alliteration used in the proverbs “Divan Lughati-t-Turk” by Mahmud Kashgari.

It is well known that in the transmission of proverbs use various ways of expressing content. One of them is a comparison of two events. Such a comparison reveals the meaning of the proverb. This method was used in many ancient Turkic proverbs. In addition, the harmony of sounds in ancient Turkic proverbs is also important. It is important to keep the proverbs in the reader’s mind so that sounds come in a certain order and sound. Since the proverb should be rhythm and tone. The proverb must remain in people head just like poetry. The influence of these linguistic phenomena on the style, content and form of ancient Turkic proverbs is revealed.

**Key words:** proverb; antithesis; antonym; alliteration; Mahmud Kashgari; “Devonu Lugh’ati-t-turk”.

## Кириш

Дунёдаги ҳар бир халқнинг ўй-фикрлари, тафаккури тарихини ўрганишда улар томонидан яратилган халқ оғзаки ижоди намуналари ёрдамга келади. Фольклор материаллари ёзма ҳамда оғзаки кўринишда кунимизгача етиб келган бўлиб, уларни фақатгина бадиий хусусиятларини ўрганмасдан, тил жихатидан ҳам тадқиқ этиш ўтмиш тил хусусиятлари, ҳодисаларини билишимизга, шу орқали кўплаб ечимини кутаётган масалаларга жавоб топишимизга ёрдам беради. Бу борада халқ оғзаки ижодидаги мақолларнинг ўзига хос ўрни бор.

“Тил, фалсафа ва бадиий ижоднинг ўзига хос ҳодисаси сифатида юзага келган халқ мақоллари фольклорнинг ихчам шакл, аммо теран мазмунга эга бўлган бир жанридир” (2, 3). Соддароқ қилиб изоҳлаганда, мақол халқнинг кўп асарлар мобайнида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда тўплаган тажрибалари, кузатишлари асосида юзага келган ихчам, чуқур мазмунга эга бўлган оғзаки ижод жанрларидан биридир. “Мақол [*ا. مقال* – мақола, кичик асар; сўз, нутқ] Ҳаётини тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда панд-насихат мазмунига эга бўлган ихчам, образли, тугал маъноли ва ҳикматли ибора, гап” (6, 569). Мақол ҳар бир халқнинг оғзаки ижодида учрайдиган жанридир. Ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаси халқ мақолларида ўз ифодасини топади.

Яна бир манбада мақол тўғрисида қуйидагилар берилган: “Мақол — халқ оғзаки ижодининг жуда қисқа, шу билан бирга, энг таъсирли бир шаклидир. “Мақол — нутқнинг қаймоғи, суҳбатнинг мағзи” деган нақл бор. “Мақол — сўз кўрки, нутқнинг ўткир қуроли”, — деб халқимиз бежиз айтмаган” (1, 5). Ушбу таърифдаги “Мақол — нутқнинг қаймоғи, суҳбатнинг мағзи” фикри мақол тўғрисида айtilган мақол тарзида баҳолаш мумкин. Биргина шу сўз ичида мақолнинг қандай эканлиги, унинг қай талабларга жавоб бериши баён этилган. Ҳақиқатда ҳам мақол ўткир тигли шамширга ўхшайди: айтилмоқчи бўлган фикр ихчам ва лўнда шаклда, бирор ортиқча сўзларсиз келтирилади. Уни ислом давридаги балоғат даражасидаги асарга ўхшатиш мумкин.

Мақоллар халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрларидан ажралиб туради. Масалан, достон, эртак, афсона ва ривоятлар, латифалар воқеликни ҳикоя тарзида акс эттирса, мақоллар халқнинг ана шу воқелик ҳақидаги хулосалари, ҳукмлари орқали ифодалайди.

Оғзаки адабиётда мақоллар халқ ижодиётининг мустақил жанри сифатида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг тили содда, ифодали ва кўркем. Мақоллар лексик ва синтактик, поэтик усуллари билан анъанавий фольклорга хос турли мажозлар, ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш, муболаға каби бадиий воситалари билан диққатга сазовордир. Бу поэтик воситалар мақолларнинг тингловчига бўлган таъсирини орттиради. Бу жиҳатдан мақоллар сўз санъатининг олий намунаси сифатида баҳоланишга лойиқ. Ҳажм жиҳатдан кичиклиги, мазмунан сермаънолиги, мавзу кўлаמידан ҳаётийлиги мақолларнинг асрлар давомида оғиздан оғизга ўтиб яшашини таъминлаган омилдир. Санъат асарлари қимматини белгиловчи энг талабчан синов вақт ҳисобланади. Айниқса, вақт синови талабига оғзаки асарнинг жавоб бериши ўта муҳимдир. Ҳақиқий мақолларнинг шаклланиши узок даврни қамрайди, аммо бадиий мукамал ва ҳаёт тажрибаси акс этган мақолнинг умри боқий бўлади.

### **Асосий қисм**

Оғзаки адабиётдаги ҳар бир жанрга мансуб асарни асар қиладиган маълум тил воситалар бўлади. Мақолни мақол қиладиган бир нечта унсури, бошқача қилиб айтганда шакллантирувчиси бор. Шулардан бири унда мазмунни беришда зидлов (антоним)нинг ишлатилиши ҳисобланади. Халқ мақолларининг маъно-мазмунини ихчам бир яхлит қолипга солинган ҳолда

яратилиши учун унда балоғат (комиллик) бўлиши керак. У асосан айтилмоқчи бўлган фикрнинг ихчам шаклда берилишида ўз аксини топади. Мақолларнинг айна вазифаси уларни шу турдаги асарлардан фарқлаб туради.

Бирор воқеа-ҳодисанинг бошқасидан яхши ёки ёмонлигини кўрсатиш учун қиёс керак. Айна вазифа мақоллар матнида кўп учрайди. “Девону луғати-т-турк”даги мақолларда қиёс инсонларнинг характери, ёши, инсон ва ҳайвонлар ўртасидаги характер, кун-тун алмашиши, ҳайвонларнинг ўзаро сифатлари зид маънога қўйилади.

Маҳмуд Кошғарий “Девону луғати-т-турк”ида келтирилган мақоллар тематик гуруҳлари хилма-хил бўлиб, улар турмушнинг турли кезларида ўйлаб топилган ҳикматли сўзлар негизида шаклланган. Асарда келтирилган зидлов маъносига эга мақолларни қуйида кўриб чиқамиз.

*Tünlä yurup kündüz sewnür,  
Kiçigdä ewlänip, ulğadu sewnür (4, 353).*

“Маъноси: Кеч билан юриб кундуз севинади, чунки у йўлни кўрмасдан босади. Ёшликда уйланган киши қариганда севинади, чунки болалари унга ёрдам берадилар, у роҳат кўради” (4, 353). Мазкур мақол икки мустақил қўшма гапдан ташкил топган. Биринчиси иккинчисининг маъносини тўлдириб келмоқда. Структур жиҳатидан биринчи гапнинг қурилиши иккинчи гап қурилиши билан айнан мос. Бу ерда синтактик параллелизмни кўриш мумкин. Мақолда икки ҳодиса ўзаро таққосланмоқда: биринчиси *тун* билан *кун*; иккинчиси эса *ёшлик* ва *улуғлик*.

Инсон бирор сафарга отланар экан, айниқса у саҳродан кетаётган бўлса, тунда йўл босгани яхши. Чунки кундуз жазирамада юриш жуда қийин кечади. Шунинг учун тун бўлса-да йўл босиш ижобий ҳисобланади. Энди мақолнинг иккинчи жумласида ёшлигида уйланган киши кексалигида севиниши уқтирилмоқда. Бунинг сабаби шуки, ёшлигида уйланганда фарзандлари киши ёши улуғ бўлгунча анча катта бўлиб, ёнига киришлари, унга кўмак беришлари, аксинча бўлса, улуғ ёшга етганида фарзандлари кичик бўлиб, унга кўмак берадиган даражага етмаган бўлишлари мумкинлиги, бунинг оқибатида киши қийналиши мумкинлиги айтилмоқда. Мақолдаги ўзаро зидликни тун-кун ва ёшлик-қариллик сўзлари таъминламоқда. Айнан шу сўзлар мақол мазмунини очиқ беришда асосий вазифани ўйнапти.

Ўзаро зид маъноли сўзлар иштирок этган мақоллар орасида инсоннинг оч-тўқлиги билан боғлиқ мақоллар ҳам бор: *a:č ne yemäs, toq ne temäs* — “Оч нималар емайди, тўқ нималар демайди?” (4, 44). Мақолдаги *a:č* ва *toq* антоним. Мақолдаги иккала *yemäs* ва *temäs* кесими мазмун жиҳатидан ўзаро зид: мақол мазмунидан англашиладики, инсон боласи оч қолса, кўзига нима кўринса ейиши мумкин, шунга ўхшаб қорни тўқ киши оғзига келганини гапиради, дейилмоқда.

Инсоннинг шу каби хусусиятларидан дангасалик ва меҳнатсеварлик мазмунига эга қуйидаги мақолда ҳам зидлов мавжуд: *erig irini yağliğ, ermägü başi qanlığ* — “Тиришқокнинг лаби ёғли, эринчокнинг боши қонли” (4, 41). Ушбу мақолдаги *erig* ва *ermägü* ўзаро антоним. Мақолдаги иккала кесимдаги сўзлар антоним бўлмаса ҳам ўзаро мазмунидан зид: *yağliğ* ва *qanlığ*.

Худди шундай маъно ҳосил қилувчи бошқа бир мақолда инсон характери тасвирланган. Солиштириш инсон ва ҳайвон ўртасидадир: *kiši alasī ičtin, yilqī alasī taštīn* (*Кишининг оласи (бузуқ фикри) ичида; йилқиники ташида, сиртида*) (4, 49). Бу ерда *Kiši* ва *yilqī*, *ičtin* ва *taštīn* сўzlари ўзаро зид маъно ҳосил қилмоқда. Шу билан бирга матнда антоним бўлган *ičtin* ва *taštīn* сўzlари қўлланилган бўлиб, у ҳам мақол услубини тўлдирган. Бу ерда инсон боласининг феъл-атвори, ўй-фикрини билиб бўлмаслиги билан, йилқининг сиртида унинг айбу нуқсонлари бўлиши айтилмоқда.

Бу каби мисолларда фақатгина ўзаро антоним сўзлар иштирок этибгина қолмайди, балки мазмун жиҳатидан ўзаро қарама-қаршилиқни англаувчи сўзлар ҳам ўртага келади. Уларда иштирок этувчи персонажлар ҳайвонлар бўлиб, мажоз (аллегория) орқали ифодаланган. Айтилмоқчи бўлган фикр ҳайвонларнинг характери, уларнинг турмуш тарзи билан ҳам боғлиқ ҳолда танланган. Қуйида бир хил ҳайвонлар иштирок этган учта мақолни кўриб чиқамиз.

*Alin arslan tutar, küčün sičğan tutmas* — “Ҳийла-тадбир билан арслонни тутиш мумкин бўлса, куч билан сичқонни ҳам тутиб бўлмайди”. Бу мақол зўравонлик йўлини тутмай, яхши тадбир кўриш лозим бўлган кишиларга қарата қўлланади (4, 465). Бу мақолда ҳам синтактик параллелизм бор: *Alin* сўзи билан *küčün* сўзидаги *-(i)n* қадимги туркий тилда восита келишиги қўшимчаси (3, 158–159) орқали қофияланган. Ушбу қўшимча ҳозирда *билан* кўмакчисига тўғри келади. Мақолдаги ўзаро зид маънони англаувчи сўзлар *arslan* ва *sičғандир*. Улар бир хил бўғинга эга, маъносига кўра эса зид. Мақолда

улар бажараётган вазифалар ҳам зид маънони англантиб келмоқда. Яъни, арслонни ҳийла билан тутиш мумкин бўлса, аммо сичқонни ҳийла билан ҳам тутиб бўлмаслиги уқтирилмоқда.

Ушбу персонажлар бошқа бир мақолда қуйидагича келган: *Alimči – arslan, berimči – sičgan* — “Олимчи (яъни қарз берган) — арслон, беримчи (қарз тўловчи) сичқон” (4, 164). Ушбу мақолда ҳар иккала сўз ўзаро антонимликни ҳосил қилмоқда. *Alimči* билан *berimči*, *arslan* билан *sičgan* зид маънога эга. Айтилмоқчи бўлган фикр ушбу мақолда ана шу сўзлар орқали ифодаланган. Яъни қарз олувчи арслон каби бақувват, кучли бўлса, қарз берувчи эса сичқон каби заиф, бечорадир. Мақолдан англашилган маъно ҳам айни мажозий персонажлар орқали аниқ очиб берилмоқда. Ўқиган ўқувчи онгида тез ва узоқ муддат сақланиб қолишига ёрдам беради.

Арслон ва сичқон иштирок этган сўнгги мақол тузилишига кўра эргашган қўшма гап шаклидадир: *arslan qarisa, sičgan ötin ködüzür* — “Арслон қариса, сичқон инини пойлайди”. Бу мақол катта ишлар қилишга кучи етмай қолган, кичик ишларга рози бўлган қарияларга қарата айтилади (4, 414). Мақол шарт эргаш гапли қўшма гап шаклида. Биринчи гапдаги шарт бажарилса, иккинчи гапдаги шарт амалга ошади. Мазкур мақол юқоридаги мақоллардан фарқ қилади. Бунда кескин зидловни учратмаймиз. Лекин арслоннинг қариган чоғи сичқон уйини, яъни ўзидан кучсиз бўлган ҳайвонни пойлаши зидликни ҳосил қиляпти.

Қадимги туркий мақоллар орасида кесими *bar* ҳамда *yoq* сўзларидан таркиб топганлари ҳам мавжуд. Ушбу мақоллардаги мазкур сўзлар асосий мазмунни шакллантирадиган ҳисобланади. “Девону луғати-т-турк”да бу сўзлар тўғрисида қуйидаги фикр келтирилган:

يوق *yoq* (йўқ) — “йўқ” маъносидаги сўз; *ol munda yoq* — у бу ерда йўқ (4, 372).

بار *bar* (бар) — бор; нарсанинг борлигини, ўз жойида эканини англатувчи сўз. Чунончи, биров-бировага *sendä yarmaq barmu?* — сенда пул танга борми? деса, униси *bar* деб айтади, “ҳа, менда у бор” демақдир. Бу сўз арабча لَيْسَ нинг антоними бўлиб, туркчаси *yoq* дир (4, 373).

Маҳмуд Кошғарий *bar* ва *yoq* сўзлари иштирок этган мақоллар келтирган. Улар қуйидагилардир:

*Kündä irük yoq, begdä qiyüq yoq* — “Қуёш кулчасида тешик йўқ бўлганидай, бекнинг ваъдасида ҳам қайтиш йўқ”. “Бу мақол бекларни ўз

ваъдаларига хилоф қилмасликка ундаш мақсадида қўлланади” (4, 41). Тузилишига кўра мақол кўшма гап шаклида. Унда келган **yoq** сўзини мақол мазмунининг очиқичи сифатида қараш мумкин. Қуёшда тешик бўлмагани каби бегда ҳам бевафолик йўқ, деган маъно англашилмоқда. Асосий мазмун келтирилган икки ҳодиса иштирокчисидан айрилган хусусиятларнинг мавжуд эмаслигидадир.

**Esändä ewäk yoq** — “Соғлиқда шошилиш йўқ”. “Бу ибора ишлаганда шошилмаслик, ҳовлиқмаслик кераклигини билдириш учун қўлланади” (4, 44). Ушбу мақол мазмуни соғлиқда шошилиш йўқлиги, инсон бирор касалликдан соғаяётганда шошилмасдан иш қилиши, касалликдан сўнг бирдан инсон ишга тушиб келмаслиги уқтирилмоқда. Агар шундай қилинса, касаллик қайталаниши, кейинчалик эса тузалиш жараёни янада секинлашиши мумкин. Шунинг учун инсон бирор касаллик билан касалланганда шифокор томонидан маълум муддат уйда ётоқ тартибида даволаниш ёки парҳез қилиш айтилади.

**Köni barir keyikniñ közindä adin başi yoq** — “Ҳеч қаёққа қарамай, тўғри кетаётган кийикнинг кўзидан бошқа яраси йўқ”. Яъни “ҳақиқатда кўзи яра эмас” демакдир. “Оғир аҳволга тушиб қолиб, ҳар кимнинг маломатига йўлиққан киши ҳақида айрилган” (4, 374). Ушбу мақолда **yoq** сўзи мавжуд эмаслик маъносини англатмоқда.

**Bar – baqir, yoq – altun** – “Бор – мис (қадрсиз), йўқ – олтин (қадрли)”. Қўлда бор бўлган нарса мисдек қадрсиз, қўлда бўлмаган нарса олтиндек қадрли. “Бу мақол яқинлар орасида хўрланиб юрган киши, кейин йўқлигида қадрли билиниши маъносида қўлланади” (4, 145). Ушбу мақолда **bar** ва **yoq** сўзлари аниқланмиш ўрнида қўлланилмоқда. Мақолда мис ва олтин ўзаро солиштирилган бўлиб, мавжуд нарса мисга, қадрли пастроқ нарсага ўхшатилса, олтин эса йўқ нарсага, яъни мисга нисбатан қиммат металлга ўхшатилмоқда. **Bar** ва **yoq** сўзларининг мақолдаги ўрни унда келтирилган нарсаларнинг солиштирилишида намоён бўлмоқда. Демак, ушбу мақолда мазкур сўзларнинг вазифаси юқоридагилардан фарқ қилади.

Мақоллар қурилишида инкор ва тасдиқнинг ўрни катта. Айниқса, кўшма гап таркибли мақолларда бундай ҳодиса кўп учрайди. Бундай мақолларда биринчи гапдаги воқеа-ҳодиса иккинчи гапдагиси билан солиштирилади ва шу асосида хулоса чиқарилади. Масалан, **Tüzün birlä uruš, utun birlä üstärmä** — “Ювош одам билан уриш, чунки сен уни босишинг мумкин. Уятсиз, юзсиз одам билан уришма, чунки у сени шарманда қилади” (4, 98–99). Мазкур



мақолда келган *uruš* (урушмоқ) ва *üstärmä* (гап талашма) сўзлари тасдиқ ва инкорни ҳосил қилмоқда. Яна бир мисол: *Keñäšlig bilig üdräšür, keñäšsiz bilig oprašur* — “Маслаҳатли иш борган сари яхшилашиб боради, маслаҳатсиз иш борган сари бузилишга юз тутди” (4, 102). Ушбу мақолда *Keñäšlig bilig* ва *keñäšsiz bilig* ўзаро зид маъно англатмоқда. Маслаҳатли ва маслаҳатсиз иш каби.

Мақолларда товушларнинг ўзаро бир-бирига монанд келиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Тилшуносликда мазкур ҳодисани аллитерация деб юритилади. “Аллитерация — мисралар, ундаги сўзлар бошида бир хил ундош товушларнинг такрор қўлланиши” (5, 12)га айтилади. Аллитерация товушлар билан боғлиқ бўлганлиги учун мутахассислар уни кўпинча тилшунослик ҳодисаси сифатида қарайдилар. Шунга таянган ҳолда биз ҳам уни ушбу бўлимда кўриб чиқишни жоиз деб топдик.

Қадимги туркий мақолларда аллитерация қуйидаги мақолларда келган: *alp yağida, alčaq čoğida* — “ботир ёв билан тўқнашганда (олишганда), ювош тиришишда синалади” (4, 31). Ушбу мақолда лабланмаган орқа қатор <a> товуши аллитерацияни ҳосил қилган. У мақолдаги қўшма гапларнинг боши ва охирида келиши (*alp yağida, alčaq čoğida*) товушларнинг оҳангини, шу билан мақолнинг мусиқийлигини таъминлаган.

Мақолларда товушларнинг турли ўринларда келиши кузатилади. Масалан, қўшма гап шаклидаги қуйидаги мақол матни ўртасида келган: *öküz adaqi bolğinča, buzağu baši bolsa yeg* — “хўкизнинг оёғи бўлгунча, бузоқнинг боши бўлган яхшироқ” (4, 37). Бу ерда <b> товуши аллитерацияни ҳосил қилмоқда.

Аллитерация фақатгина сўзлар бошидаги ҳарфларда келмайди. Сўзлар ўртасида ҳам келиши мумкин. Бунда бутун матн назарда тутилади: *tay atatsa / atıtsa, at tınur, oğul erädsä, ata tınur* — “той улғайса, от тинади [яъни, от минишдан қутқарилади], ўғил ўсса, ота тинади (4, 94). Мақолдаги сўзларнинг турли ўринларида келган <t> товуши аллитерацияни ҳосил қилмоқда.

Яна бир мақолда аллитерацияни ҳосил қилган товуш турли ўринларда келган: *quruq qaşuq ağızqa yaramas, quruğ söz qulaqqa yaqışmas* — “куруқ қошиқ оғизга ёқмас, куруқ сўз қулоққа ёқмас” (4, 154). Бу мақолда <q> аллитерацияни ҳосил қилган товушдир.

*Tatsiz türk bolmas, başsiz börk bolmas* — “бошсиз бўрк бўлмаганидек, тотсиз турк ҳам бўлмайди” (4, 142). Ушбу мақолда 2 та аллитерацион ҳарф

бор. Буларнинг биринчиси биринчи жумладаги <t> товуши бўлса, иккинчиси эса кейинги жумладаги <b> товушидир.

Қадимги туркий мақолларда аллитерациянинг қўлланиши уларнинг кулоққа яхши эшитилиши, ўқувчида уни ёдлаб қолишда мусиқийликка, оҳангдошликка монанд бўлиши аҳамиятлидир. Чунки ҳар бир мақол ўз ўқувчисини топиши, унинг ёдида яхши сақланиб қолиши учун бирор тил воситаси иштирок этиши керак. Бу ўринда аллитерациянинг ишлатилиши айни муддаодир.

### Хулоса

Шундай қилиб, Маҳмуд Кошғарий “Девону луғати-т-турк” асарида келган мақолларнинг тузилишига таъсир этган тил ходисалари зидлов, антоним сўзлар ҳамда товушларнинг тизимли келиши уларнинг мазмун ва маъносини ҳосил қилишдаги асосий воситалардан саналади. Зид маънога эга мақоллар тузилишига кўра боғланган ва эргашган қўшма гап шаклидадир. Уларда зидловни ташкил этган сўз матнда англатган маъно-мазмунига кўра зид. Ушбу зидловни ташкил этган сўзлар иштирок этган гап шарти ҳам зидловни англатади. Шу билан бирга, мақоллардаги персонажлар ҳайвонлар бўлиб, мажозий маънода. Умуман олганда мақолларда зидловнинг ишлатилиши уларнинг фақатгина маъносини ўқувчига яхши очиб беришгина эмас, балки эса яхши сақлаб қолиш учун ҳам зарурий тил воситаларидан ҳисобланади. Бу ҳодиса қадимги туркий мақолларни ташкил этувчи асосий тил воситаларидан бири ҳисобланади.

Юқоридаги мақоллардан *bar* ва *yoq* сўзларининг маъно-мазмунига кўра бирор воқеа-хусусиятларнинг мавжудлиги ва йўқлиги тушунилиши билан бирга, солиштирилаётган икки нарсанинг бир-биридан қанчалик фарқ қилиши, бу фарқ қатталини англатмоқда.

Мақоллардаги аллитерация уларнинг тузилишида алоҳида ўринга эга бўлган лингвистик ходисадир. Унинг мавжудлиги мақолнинг товуш жиҳатидан жарангдорлигини таъминловчи асосий воситадир.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Abdusamatov M., Homudxonova F. Ming bir forsha maqol va matallar. — Toshkent. G'afur G'ulom nashriyoti. 2006. — 136 b.
2. O'zbek xalq maqollari. Tuzuvchilar: T. Mirzayev, A. Musoqulov, B.Sarimsoqov. — Toshkent: Sharq. 2005. 512 b.

3. Sodiqov Q. Turkiy til tarixi. — Toshkent. 2009. — 368 b.
4. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк (Туркий сўзлар девони). Нашрга тайёрловчи: Қ.Содиқов. — Тошкент: Гафур Гулом, 2017. — 488 б.
5. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. — Тошкент. 2002. — 168 б.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. Иккинчи жилд. Е-М. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 672 б.

#### References

1. Abdusamatov M., Homudxonova F., *Ming bir forscha maqol va matallar* (A thousand and one Persian proverbs and matals), Tashkent: Gafur Gulom publishing house, 2006, 136 p.
2. *Uzbek xalq maqollari* (Uzbek folk Proverbs), Developers: Mirzayev T., Musaqulov A., Garlic B. Tashkent: East, 2005, 512 p.
3. Sodiqov Q. *Turkiy til tarixi* (History of Turkic language), Toshkent, 2009, 368 p.
4. Mahmud Koshgarii. *Devonu lugati-t-turk*, Publisher: Q. Sodiqov., Toshkent: Gafur Gulom, 2017, 488 p.
5. Hozhiev A. *Tilshunoslik terminlarining izohli lugati* (Explanatory dictionary of linguistic terms), Toshkent, 2002, 168 p.
6. *O'zbek tilining izohli lug'ati* (Explanatory Dictionary of the Uzbek language), Five volumes. Second volume. E-M., Tashkent: National Encyclopedia of Uzbekistan, 2006, 672 p.